

Ялпи худудий маҳсулот ишлаб чиқариш


Дастлабки маълумотларга кўра, 2017 йил январь-сентябрда ишлаб чиқарилган ялпи худудий маҳсулотнинг (ЯХМ) ҳажми 8766,0 млрд. сўмни ташкил этди ва 2016 йилнинг январь-сентябрга нисбатан ўсиш суръати 100,7 фоизга тенг бўлди.

2016 йил январь-сентябрь ойларида ЯХМ дефлятор индекси 117,4 фоизни ташкил қилди.

Январь-сентябрь ойларида вилоят ялпи худудий маҳсулотининг иқтисодий фаолият турлари бўйича таркиби қуйидагича ифодаланади:

	млрд. сўмда		2016 йил январь-сентябрга нисбатан фоиз ҳисобид
	2016 йил	2017 йил	
I. Ялпи худудий маҳсулот, жами	7410,9	8766,0	100,7
шу жумладан:			
Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	7120,4	8452,8	101,2
Маҳсулотларга соф солиқлар	290,6	313,3	90,3
II. Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	7120,4	8452,8	101,2
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	962,8	1226,1	105,6
Саноат (қурилишни қўшган ҳолда)	4247,5	4975,9	98,5
саноат	3868,0	4555,0	98,0
қурилиш	379,5	420,9	103,4
Хизматлар	1910,0	2250,8	104,9
савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	411,1	481,7	101,7
ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа хизматлари	607,6	706,7	104,9
бошқа хизматлари	891,3	1062,4	106,4

Январь-сентябрда ялпи ҳудудий маҳсулотнинг тармоқлар таркиби (фоизда):



Жорий йилнинг январь-сентябрь ойларида вилоятнинг ялпи ҳудудий маҳсулотининг ўсиш суръатига асосий таъсири бошқа соҳа хизматлари (106,4%), қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги хизматлари (105,6%), ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа хизматлари (104,9%) тармоқларидаги ялпи қўшилган қиймат ҳиссасига тўғри келмоқда.

ЯҲМ ишлаб чиқариш умумий ҳажмининг 41,5 фоизи кичик тадбиркорлик (бизнес) ҳиссасига тўғри келди ва бу кўрсаткич 2016 йил январь-сентябрга нисбатан 0,5 фоизли бандга камайди.

2017 йил январь-сентябрда ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажмида хизматлар улуши 26,6 фоиз (2016 йил январь-сентябрда 26,9 фоиз)ни ташкил қилди.